



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2020 yil « 22 » сентябрь

№ ПФ–6066

### Қимматбаҳо металлар мӯомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида

Қимматбаҳо металларни қабул қилиш, сақлаш, топшириш ва ҳисобини юритиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолининг қимматбаҳо металлардан жамғарма сифатида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги ПФ–5721-сон Фармонига мувофиқ:

1. Марказий банк, Молия вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг **жисмоний шахсларга** тегишли сертификатлар мавжуд бўлганда ва товарларни олиб чиқишининг қонун ҳужжатларида белгиланган меъёридан ошган тақдирда, мажбурий равишда йўловчи божхона декларациясини тўлдирган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём билар ва Марказий банкнинг қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангаларини республика ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ҳуқуқини бериш тӯғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давлат божхона қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу банднинг қоидаларини республика аҳолисига ва хорижий давлатларнинг фуқароларига етказиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

2. Марказий банк ҳүзүридаги Қимматбақо металлар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси Молия вазирлиги тасарруфига ўтказилғанлыги муносабати билан Марказий банкнинг:

**Марказий банк ҳүзүридаги Қимматбақо металлар агентлигини (кейинги ўринларда – Агентлик) тугатиш ва Марказий банкнинг марказий аппарати тузилмасида Қимматбақо металларни сақлаш ва үлар билан ишлаш хизматини (кейинги ўринларда – хизмат) ташкил этиш;**

тугатилаётган Агентликнинг Марказий банк томонидан халқаро резервларни бошқариш операциялари доирасида сотиб олинадиган ва сотиладиган қимматбақо металларни ҳамда сақланаётган бошқа қимматликтарни қабул қилиш, сақлаш, жүнатиш ва ҳисобини юритиш борасидаги функцияларини хизматта ўтказиш таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

Марказий банк тугатилаётган Агентликнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

хизмат томонидан қимматбақо металларни ҳамда бошқа қимматликтарни қабул қилиш, сақлаш ва жүнатиш мақсадида **фойдаланиладиган** Марказий банкнинг **бино ва обьектлари ўта мұхим обьектлар тоифасига киради** ва тегишлича мұхофаза қилинади.

4. Марказий банк:

а) бир ҳафта муддатда:

хизматнинг ташкилий ва штат тузилмасини ҳамда у тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Агентликнинг пул маблағлари, мол-мулки, архив ва бошқа ҳужжатлари ўз балансига қабул қилинишини таъминласин;

б) қонунчиликка мувофиқ равишда Агентликни тугатиш чораларини кўрсинг;

в) бир ой муддатда:

хизмат томонидан қимматбақо металларни қабул қилиш, сақлаш, жүнатиш ва ҳисобини юритиш тартибини тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсан.

5. “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, Марказий банк, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда **биржа савдоларида сотиладиган қимматбаҳо металларни республика ҳудудларига етказиб бериш механизмини жорий этсин.**

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6066-сон Фармонига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3358-сон Фармонига илованинг III бўлими 6-банди чиқариб ташлансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги “Maxsus турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўtkазишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5215-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 4-позицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 4.	Қимматбаҳо металлар ва улардан тайёрланган бошқа буюмлар	7106 (жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиладиган ўлчовли кумуш ём билардан (қўймалардан) ташқари), 7107 – 7111 00 000 0 (жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиладиган ўлчовли олтин ём билар (қўймалардан) ташқари), ”; 7115
------	--	--

б) 2-илованинг 2-позицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 2.	Қимматбаҳо металлар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар, рудалар, концентратлар, парчалар ва чиқиндилар, қимматбаҳо табиий тошлар ва улардан тайёрланган буюмлар, чиқиндилар, табиий қимматбаҳо тошларнинг кукунлари ва рекуператори, дур ва ундан тайёрланган буюмлар, қаҳрабо ва	2843, 3006 40 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 7106 – 7115 (жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиладиган ўлчовли олтин ва кумуш ём билардан (қўймалардан) ташқари), 7118 (фақат қимматбаҳо металлардан, жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиладиган Марказий банкнинг олтин ва кумуш тангаларидан ташқари), 9003 19 000 1, 9021 29 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9101, 9111 10 000 0, 9113 10, 9608 10 920 0 ва 9608 10 990 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9608 30 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9705 00 000 0 (фақат
------	---	--

ундан буюмлар	тайёрланган	қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангалар, жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиладиган Марказий банкнинг олтин ва кумуш тангаларидан ташқари), 7116 (фақат дур ва табиий қимматбаҳо тошлардан), 9602 00 000 0 (фақат ишлов берилган қаҳрабо ва ундан тайёрланган буюмлар)
---------------	-------------	---

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5296-сон Фармонида:

а) 4-банднинг еттинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги бош директори лавозимини вазир ўринbosари лавозими мақомига тенглаштирган ҳолда, Марказий банк Раиси ўринbosари — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги бош директори лавозимини тугатиш” сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловадан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги” блоки чиқариб ташлансин;

в) 2-илованинг “Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти” блокидан сўнг “Қимматбаҳо металларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизмати” блоки билан тўлдирилсин;

г) 4-илованинг 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ–5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламентига 2-иловадан 61-банд чиқариб ташлансин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3199-сон қарорининг 4-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки” сўzlари билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 ноябрдаги “2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси заргарлик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3388-сон қарорига 5-илованинг тўртинчи хатбошидаги “Сабиров Б.Б. – Қимматбаҳо

металлар агентлиги бош директори” сўзлари “Р.Э. Умаров – Давлат асилик даражасини белгилаш палатаси бошлиғи” сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3512-сон қарорининг 1-банди “д” кичик бандида:

а) қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли ём билар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангаларини уларнинг сертификатлари мавжуд бўлган ҳолатларда республика ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ва товарларни қонунчиликда белгиланган нормаларининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, йўловчи божхона декларациясини тўлдириб олиб чиқиш ҳуқуқига эга”;

б) бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 22 сентябрдаги ПФ-6066-сон Фармонига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 октябрдаги “Қимматбаҳо металлар харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3346-сон Фармони.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5721-сон Фармонига 3-илованинг 1-банди.

